# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 13 июль, № 135 (6570) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИЛҒОР ТАЖРИБА, ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА МУСТАҲКАМ ЗАХИРА

Ўзбекистонда юқори сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда экспорт қилиш ҳажмини ошириш имконини бермоқда

*Кеча Тошкент шаҳридаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўз ишини бошлади.*

*Мазкур нуфузли анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон сингари қирқдан ортиқ мамлакатларнинг кўплаб компания ва фирмалари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари вакиллари, шунингдек, етакчи эксперт ва мутахассислар қатнашмоқда.*





Илк бор ўтказилаётган ушбу ярмарка жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлиги ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги, хусусан, унинг мева-сабзавотчилик тармоғи ва озиқ-овқат саноатида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар самараларини халқаро ҳамжамият ҳамда чет эллик экспертларга яқиндан таништириш, ташқи бозорларга сархил мева-сабзавотлар, уларни чуқур қайта ишлаш асосида тайёрланган экологик тоза маҳсулотлар чиқариш юзасидан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам бугунги замон талабларига, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, самарали ва шаффоф бозор механизмини шакллантиришдан иборатдир.

Маълумки, Ўзбекистон — қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан саналган боғдорчилик, сабзавот-полизчиликни ривожлантиришда кўп йиллик бой тажриба ҳамда юксак илмий-амалий салоҳиятга эга мамлакат. Бу, айниқса, истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан соҳа истиқболига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли янада яққолроқ намоён бўлиб, давлатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш имконини яратмоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий қилиш, хусусий мулкчиликни шакллантиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## ИФТИХОР

Бугун юртимизнинг қай гўшасига бормайлик, энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини ўзгача шукуҳ билан нишонлаш кайфияти ҳукм сураётганига гувоҳ бўламиз. Қутлуғ санага бағишланган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган бўлиб, улар мамлакатимиз озодлиги ҳамда ободлигини асраш масъулияти ва элу юрт равнақига дахлдорлик ҳиссини оширмоқда.

# Кучли ижтимоий сиёсат — фаровон турмуш асоси

Аёнки, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалмоқда. Тарихан қисқа муддатда барча соҳада улкан ютуқларга эришилдики, уларнинг ҳар бири дунё манзараси ўзгариб, турли минтақалар низолар ўчоғи ҳамда тўқнашувлар гирдобида қолган ҳозирги мураккаб даврда жуда аҳамиятлидир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, очиқ сиёсат олиб бориш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйган эди. Жаҳонда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган стратегия асосида давлат ва жамият қурилишининг беш тамойили илгари сурилди. Биз бугун бу ислоҳотлар натижаларини дунёқарашимиз, ҳаётга муносабатимиз ҳамда турмуш тарзимиздаги ўзгаришларда кўриб турибмиз.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон чорак аср мобайнида иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган, собиқ иттифоқ таркибида аҳолининг ҳаёт даражасини ифодалайдиган кўрсаткичлар бўйича энг охирги ўринда, таъбир жоиз бўлса, жар ёқасида турган ўлкадан тез ва барқарор суръатлар билан, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан ривож топаётган мамлакатга айланганини халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Эсласак, мустабид тузум даврида экин майдонларининг аксарият қисми фақат пахта учун ажратилган эди. Шундай оғир вазиятда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан 1989 йилнинг август ойида шахсий томорқа хўжаликлари ҳамда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида ҳужжат қабул қилинди. Унга кўра, 1989-1990 йилларда 1,5 миллион оиланинг томорқа хўжалиги кенгайтирилди, 700 минг оилага ер участкалари берилди. Бу чора-тадбирлар ўша пайтда кескин тус олган ижтимоий вазиятни юмшатиш имконини яратди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИР

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида спорт марафони ўтказилди.

# Соғлом она — соғлом келажак

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирга Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ўқувчи-қизлар таклиф қилинди.

Спорт билан шуғулланиш кишининг нафақат жисмонан соғлом, балки маънан етук бўлишига ёрдам беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда спортнинг барча тури ривожлантирилиб, уларга аҳоли, хусусан, ёшлар кенг жалб этилаяпти. Бу борада Президентимиз раҳнамолигида шаҳару қишлоқларимизда бунёд қилинган замонавий спорт иншоотлари, мажмуалар, майдонлар ҳар жиҳатдан қўл келаётир.

Шу каби кенг имконият ҳамда қулайликлардан йигит-қизларимиз унумли фойдаланмоқда. Улар турли нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, халқимиз, давлатимизнинг эътирофига сазовор бўлаяпти. Жумладан, спортчи қизларимизнинг 44 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлангани фикримиз далилидир.

Республикамизда спортнинг аёлларга хос турини равнақ топтириш, хотин-қизларни унга кенг жалб қилиш мақсадида қатор саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани ҳам диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

Архив:

# Ҳужжатларда акс этган ҳаёт

*Мустабид тузум даврида халқимизнинг ўтмишидан сўзловчи архив ҳужжатлари йўқотилди, китоблар ёқилди. Аждодлар ва авлодларни боғлаб турувчи муқаддас ришталарга путур етказилди. Ҳар қандай миллатнинг маданий савия даражаси, руҳий қудрати унинг тарихга бўлган муносабатига боғлиқ.*




Зеро, ўтмишини бус-бутун, борича асраётган, кўзига тўтиё қилган халқ, ҳеч шубҳасиз, башарият олдида мўътабар бир мақомдадир. Боболар қўлида ҳақиқат машъали бўлган ҳужжатларни бугун ўз кўзи билан кўрган ўспирин тарих олдидаги масъулиятни янада теранроқ англаса, не ажаб. Шу боис ҳар қандай давлатнинг қудрати, унинг ноёб бойлиги дуру жавоҳирлари билан эмас, балки кўҳна битиклар, ёдномалар, тақдирлар акс этган архивлар билан ўлчанади, десак, муболаға бўлмас.

Бинобарин, истиқлолнинг илк йиллариданоқ Ватанимиз тарихини холис ҳамда жиддий ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Республикамизда Миллий архив фонди вужудга келди. Ташкилот ва идораларда тарихий, сиёсий, иқтисодий, илмий ҳамда маънавий аҳамиятга эга ҳужжатларни давлат архивлари сақловига тўлиқ ва ўз муддатида қабул қилиш тизимли равишда олиб борилиши йўлга қўйилди. Натижада мустақилликкача бўлган даврда давлат архивларида сақланаётган Миллий архив фонди ҳужжатлари 4,8 миллион сақлов бирлигини ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8,6 миллионга етди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлатга тегишли ва тегишли бўлмаган қисмлардан иборат. Биринчи гуруҳга кимнинг тасарруфида эканлигидан қатъи назар, доимий сақланиши зарур бўлган, давлат мулки ҳисобланган архив ҳужжатлари киради.

(Давоми 4-бетда).

# Таълим ва тарбия уйғунлиги

## баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Йил тарбиячиси — 2016" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

## ТАНЛОВ

Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёш авлодга пухта таълим-тарбия бериш, маънавиятини юксалтириш, уларни миллий менталитетимиз учун ёт бўлган турли зарарли мафкуравий таъсирлардан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борада белгиланган вазифаларни изчил ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш имконини бермоқда.

(Давоми 4-бетда).





Саноати тараққий топган юрт

Аниқ мақсад, замонавий ёндашув, самарали ҳамкорлик


«Ягона дарча»:

# ШАФФОФ ВА ТЕЗКОР

Бу ҳақда фикр юритишдан аввал қуйидаги маълумотларга эътиборингизни қаратмоқчимиз: ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

## ИСЛОҲОТ

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 8,4 мингта ёки 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 5,5 фоиз кўп янги кичик бизнес субъекти интернет орқали Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатга олинди. Улар 260 турдаги хизматдан фойдаланиш имкониятига эга. Бугунги кунда, шунингдек, солиқ ва статистика ҳисоботларининг 100 фоизи электрон шаклда тақдим қилинмоқда.

Бундай далилларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин қайд этилган маълумотларнинг ўзиёқ қисқа муддат ичида республикамизда рўй берган кенг қамровли янгиланишларни яққол кўрсатади. Бу, албатта, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда шу асосда қабул қилинган қарорларнинг ижроси самарасидир. Гап шундаки, мазкур ҳужжатларга биноан, шу йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

# ИЛҒОР ТАЖРИБА, ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА МУСТАҲКАМ ЗАХИРА

## Ўзбекистонда юқори сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда экспорт қилиш ҳажмини ошириш имконини бермоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, ширкат хўжаликлари негизида мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилиб, боғ-роғлар асл соҳибкорларга топширилди. Уларнинг ташаббуси билан жаҳоннинг илғор тажрибалари, замонавий ҳамда интенсив технологиялар амалиётга татбиқ қилинаётгани туланди. Бошқача айтганда, жаҳоннинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Ташқи бозорда саховатли заминимизда етиштирилган ноз-неъматларга талаб ортаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки серқуёш Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, яъни қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви ўта мазали, истеъмол хусусияти юқори, энг асосийси, инсон саломатлиги учун жуда фойдали мева-сабзавотлар етиштиришга қулай имкониятдир. Шу боис улар таркибида табиий шакар, амино ҳамда органик кислоталар, турли микроэлементлар, озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган биологик моддаларга бойлиги билан ажралиб туради.



Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ана шундай беқиёс хусусиятли маҳсулотларимизни жаҳонга кўз-кўз этиш, янги савдо йўлакларини очиш, экспорт жуғрофиясини янада кенгайтиришга хизмат қилиши кутилаяпти. Сабаби, кўргазма павильонларида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишлаш корхоналари билан савдо компаниялари, дунёга машҳур маркетинг тузилмалари ўртасида барқарор ҳамда узоқ муддатли кооперация алоқаларини ўрнатиш учун зарур барча шарт-шароит яратилган.

Шу тариқа файли тармоқда ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам муттасил ўсиб, у файзу барака манбаига айланди. Юртимизда ҳар йили 17 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг бу қадар жадал суръатларда ортиши нафақат дала ва боғ неъматларига бўлган ички эҳтиёжни таъминлаш, балки экспорт ҳажмини янада оширишда ҳам қўл келаяпти. Пировардида Ўзбекистон жуда қисқа давр мобайнида ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ҳамда бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи 10 та давлатдан бирига айланди.

— Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади, — дейди Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Сергей Левин. — Юртингизда етиштирилган ноз-неъматларнинг сифати юқорилиги туфайли уларга бизнинг мамлакатимиз бозорларида ҳам талаб катта. Шу боис ўзбекистонлик деҳқону фермерлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш ҳажмини янада оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Чунки бугунги ярмарка савдо-сармоявий алоқаларни кенгайтиришимиз, янги ҳамкорлар топишимизни таъминлайдиган энг нуфузли тадбир саналади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартишлар чуқурлаштирилиб, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонлар босқичма-босқич кенгайтирилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга биноан, пахта экиладиган майдонлар қисқартирилиб, ундан бўшаган ерларга сабзавот, полиз, картошка ҳамда бошқа экинлар жойлаштирилмоқдаки, пировардида Ўзбекистонимизнинг ички бозори йил давомида арзон ва сифатли ноз-неъматлар билан тўлдирилиши баробарида, унинг экспорт салоҳияти ҳам тобора юксалиб бораётир.

— Соҳада узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатаётган мутахассис сифатида юртингизда олиб борилаётган ислоҳотларни юксак баҳолайман, — дейди Халқаро ёнғоқ ва қуруқ мева бўйича кенгаш раҳбари ўринбосари Пино Калкагни. — Чунки мамлакатингизда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, деҳқон ҳамда фермерларга имтиёзлар тақдим этилаяпти. Натижада маҳсулот етиштириш, уни бирламчи ва чуқур қайта ишлаш суръати ошмоқда. Уларнинг мазасига эса таъриф йўқ. Шахсан менга узум жуда ёқди. Уни сархил ҳолда истеъмол қилиш ҳам, қуритилганини тановул этиш ҳам кишига ҳузур бағишлайди. Бу каби жиҳатлар Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини йил сайин кенгайтиришда муҳим омилдир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, боғбону соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган ноз-неъматларни сақлаш инфратузилмасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётгани чет эллик буюртмачиларга йилнинг исталган пайтида сархил ҳамда сифатли маҳсулот етказиб бериш имкониятини яратмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил қилиниб, мавжудлари модернизациялаштирилгач, юртимизда мева-сабзавот сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Пировардида илгари мева-сабзавот маҳсулотлари, асосан, Россия ва қўшни давлатларга сотилган бўлса, сўнгги йилларда Европа ҳамда Осиё мамлакатларига ҳам жўнатилмоқда. Яъни эндиликда Норвегия, Таиланд, Вьетнам, Малайзия, Индонезия, Бразилия, Кипр, Македония, ХХР, АҚШ ва Лотин Америкаси давлатлари харидорлар сафидан жой эгаллади.

Эътиборли жиҳати, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, 2020 йилгача маҳсулот етиштириш ҳажмини кескин кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бу — мева-сабзавот ҳамда уни қайта ишлаш асосида тайёрланган товарлар экспорти янада ошади, дегани. Табиийки, мазкур жараёнда Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси замонавий бозор механизми вазифасини ўтайди. Негаки, халқаро ярмарка анъанавий равишда ўтказилиб, унинг базасида доимий фаолият юритадиган бизнес майдон яратилиши кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари эса Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси ва "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компанияси расмий веб-сайтларида тизимли асосда мунтазам бериб борилади.

Ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Такео Кониши, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчиси Оливьер Дюран, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Катсутоши Фушими ҳамда бошқалар Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ қилинаётган иқтисодий ислоҳотлар, чунончи, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш, мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасини юксак баҳоладилар.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон мева-сабзавотчилик тармоғининг экспорт салоҳияти, буюртмачиларга маҳсулотни кафолатли равишда ҳамда сифатли етказиб бериш учун яратилган замонавий транспорт ва логистика инфратузилмаси билан танишар экан, юртимизда бу жабҳа ҳам тараққий топиб бораётгани, ҳатто ташиш мураккаб бўлган маҳсулотларни сифатли етказиб бериш йўлга қўйилганига ишонч ҳосил қилдилар.

Куннинг иккинчи ярмида ярмарка иштирокчилари эътиборига "Ўзэкспомарказ" мажмуаси павильонларида заминимизда етиштирилган мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари намуналари, шунингдек, кенг ассортиментдаги озиқ-овқат товарлари намойиш этилди. Бундан ташқари, улар тармоқ ташкилот ва корхоналари тақдимотлари билан яқиндан танишдилар. Шу тариқа меҳмонлар бир пайтнинг ўзида юртимизнинг ҳар бир ҳудудига хос бўлган деҳқончилик маданияти, анъаналари, хорижлик ҳамкорлар учун яратилган преференциялардан хабардор бўлдилар.

Чет эллик харидорларга шу ернинг ўзида 2016 йилда етиштирилган хўл мева ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш бўйича шартномалар тузиш, маҳсулотни етказиб бериш масаласини ҳал этишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилингани эса тадбирнинг янада самарали кечишини таъминламоқда.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



### Сўз — Халқаро ярмарка иштирокчиларига

**Эдвардс СТИПРАИС,**
**Латвия ташқи ишлар вазири ўринбосари:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон сифатли мева-сабзавот етиштириш, уни қайта ишлаш жабҳасида етакчи давлатлар қаторига киради ҳамда бу борада фаол экспортчи ҳисобланади. Юртингизда илк бор ўтказилаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси эса нафақат республикангизнинг ушбу йўналишдаги салоҳиятини кенг намойиш этиш, балки ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш, ниҳоятда фойдали шартномалар имзолаш учун қулай имкониятдир. Латвиядан ташриф буюрган ишбилармонлар ҳам серқуёш ўлкангизда пишиб етилган сархил неъматлар ҳамда улардан тайёрланадиган экологик тоза маҳсулотларни импорт қилишдан манфаатдор. Боиси, менинг ўзим диёрингиз деҳқонлари томонидан тортиқ этилган қовундан татиб кўрдим ва унинг бетакрор таъми тилимда қолди. Дунёнинг бошқа жойларида бундай ширин полиз маҳсулотлари учрамайди.

**Евгений ГРИГОРЬЕВ,**
**"Алтайпроект" компаниясининг**
**тижорат бўйича директори (Россия):**

— Ўзбекистонда етиштирилган сифатли ҳамда экологик тоза мева, узум ҳамда полиз маҳсулотлари Россияда жуда қадрланади ва истеъмол қилинади. Шунинг учун мамлакатимизда уларга талаб ниҳоятда юқори, импорт даражаси ҳам шунга яраша анча салмоқли. Лекин бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Шу жиҳатдан, ярмарка барчамиз учун қулай майдондир. Бу ерда имзоланадиган шартномалар ҳар икки томон учун фойдали бўлишини ҳисобга олиб, юртингиздан ҳар ойда беш юз минг АҚШ долларилик мева, узум, полиз маҳсулотларини харид этишни режалаштираяпмиз. Павильонларда юртингизнинг ҳар бир вилояти, қатор корхона ҳамда компаниялари учун алоҳида ҳудуд ажратилгани, музокаралар олиб бориш, ниятларимизни амалга оширишимиз учун ҳамма шароит яратилгани, ишончим комилки, ўзбекистонлик ва россиялик ишбилармонларнинг жуда кўплаб келишувларга эришишлари учун кенг йўл очиб беради.

**Алекс ЮНЬ,**
**"SNPSystem" гуруҳи раҳбари (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ҳамда 44 килограмм узум тўғри келаётгани, мазкур кўрсаткич глобал миқёсда оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган меъёрдан уч баробар кўплиги бунинг тасдиғидир. Ўз навбатида, ушбу диёрда етиштирилган боғ ва сабзавот маҳсулотлари нафақат таъми, кўриниши, балки табиийлиги билан ажралиб туради ҳамда хоҳ осиёлик, хоҳ европалик, хоҳ америкалик бўлсин, ҳар қандай нозиктаъб мижозга манзур келади. Бунда, албатта, вегетация даврида минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби бошқа воситалар ўрнига органик ўғитлардан фойдаланиб келинаётгани муҳим омил бўлганини биламиз.

Компаниямиз транспорт-логистика жабҳасида фаолият юритади. Шу боис халқаро ярмарка асносида юртингиз ноз-неъматларини дунёнинг турли жойларига етказиб бериш бўйича қатор самарали келишувларга эришишни мақсад қилганмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

# Кучли ижтимоий сиёсат — фаровон турмуш асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ "шок терапияси"дан воз кечиб, тадрижий ислоҳотлар сиёсатини амалга оширди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги ва кучли ижтимоий сиёсат қарор топди. Жумладан, ижтимоий соҳага давлат ҳамда жамият эътиборини кучайтириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кафолатлаш механизми шакллантирилди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги қонунчилик асослари мустаҳкамланди. 1991 йилдаёқ "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга йўналтирилди.

Мазкур қонун ҳужжатлари ижросининг изчил таъминланиши, ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларга сарфланаётгани юртимизда ижтимоий барқарорликни сақлаб, одамларимизнинг эртанги кунга ишончи янада ортишига хизмат қилмоқда. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида юз бераётган ислоҳотлар билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат ва маданият, жисмоний тарбия ҳамда спорт каби жабҳаларда ҳам бозор иқтисодиётига хос ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида аҳоли учун таълимнинг мутлақо янги ва самарадор моделини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этаётир.

Ёдимизда, ҳатто энг оғир дамларда ҳам ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилди. 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун мустақил республикамизнинг илк қонунларидан биридир. Бу ўсиб келаётган авлодга энг катта бойлик сифатида қараб, эртамиз эгаларининг ҳар томонлама етук бўлиб камол топиши учун барча шарт-шароитни яратиш сари қўйилган ғоятда муҳим қадам эди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг тобора жадал ривожланиб бораётган иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун зарур мутахассислар тайёрлашга қаратилган ўзига хос тизими йўлга қўйилди. Энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий мактаблар, лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди.

Бугунги кунда юртимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

Рўёбга чиқарилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалий ифодасини соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришу янгиланишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили республикамизда 141 тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм сарфланди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ҳамда замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли ўртасида турли хасталиклар билан касалланиш даражаси кескин камайишига эришилди. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда оналар ҳамда болалар ўлими бир неча баробар камайди. Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни ривожлантириш баробарида, кам таъминланган аҳоли қатламларини манзилли ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар бугун беқиёс самара бермоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасидаги қатор кўрсаткичлар бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторидан жой олаётгани ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғли оқилона ва пухта эканлигини яққол тасдиқлайди.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# Соғлом она — соғлом келажак

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда икки мингга яқин спорт мусобақалари ўтказилди. Маҳалла фаоллари ва уй бекалари ўртасида ташкил этилган "Гимнастика барча учун" спорт фестивалига 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган қизлар, аёллар қамраб олинди. "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақасида эса минглаб оилалар қатнашди.

Мазкур марафонда иштирокчилар 1,5 километр масофага югурди. Ўғил-қизлар ўртасида шашка мусобақаси, "Ёз ўтади соз" мавзуида асфальтга расм чизиш танлови ҳам бўлиб ўтди. Ғолибларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ягона дарча»:

# ШАФФОФ ВА ТЕЗКОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— 2015 йилнинг октябрь ойида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган низомларга мувофиқ, "ягона дарча" марказларининг фаолияти тартибга солинган, улар кўрсатадиган хизмат турлари белгилаб берилган, — дейди республика Адлия вазирлигининг жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси Камолжон Холиқов. — Ҳозирги кунда республикамизнинг 194 тумани ва шаҳрида ана шундай марказлар тузилган бўлиб, улар ўз фаолиятларини замонавий усулда йўлга қўйишлари учун 3000 дан ортиқ ахборот-коммуникация технологиялари, мебель жамламалари билан таъминланди. Барчаси интернетга уланган. Бу, ўз навбатида, буюртмачиларнинг аризалари бўйича идоралар ўртасида электрон ҳужжатларни тезкор алмашиш имконини беради.

"Ягона дарча" марказларининг кўрсатаётган хизматлари ҳақида гап кетганда, "Ҳам вақтдан, ҳам нақдидан ютасиз", дейишади. Бу фикрнинг нечоғли ҳақиқат эканлигини билиш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси негизида ташкил этилган ана шундай муассасалардан бирида бўлдик. Унинг биноси аҳоли бориши учун қулай манзилда жойлашган ҳамда ходимлар кун бўйи танаффуссиз, яъни узлуксиз ишлашар экан.

Марказ ташриф буюрувчилар билан гавжум. Ишда тартиб, мижозларга эътибор, хизмат кўрсатишдаги жонкуярлик сезилиб турибди. Марказ директори Саида Жалилованинг айтишича, ўтган йилнинг беш ойида 1074 та мурожаат келиб тушган бўлса, жорий йилнинг шу даврида улар сони 1900 дан ортибди. Айни пайтда жамоа аҳли тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш, объектни қайта ихтисослаштириш ҳамда реконструкция қилиш, қурилиш-монтаж ишлари, кўчма савдони амалга ошириш, ташқи рекламаларни жойлаштириш, тураржойларни нотураржой тоифасига ўтказишга рухсат бериш каби хизматларни ўз муддатида бажариш пайидан бўлмоқда. Марказга ҳуқуқшунос, иқтисодчи, ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича олий маълумотли ёшлар танлов асосида ишга қабул қилинган. Бу давлат хизмати кўрсатувчи идоралар билан ишлашда қўл келаяпти.

— Биз кийим-кечак савдоси билан шуғулланамиз, — дейди хусусий тадбиркор Азизхон Темиров. — Буюртмани дунёнинг исталган шаҳридан бошқа манзилга интернет орқали етказиб берамиз. Марказга эса гулқоғозлар рекламасининг эскизи бўйича мурожаат билан келдим. Кадрлар — малакали. Рухсатномани ўз вақтида тайёрлаш билан бирга, зарур маслаҳатлар ҳам беришди. Бу масалани электрон тизим орқали ҳам бажарсам бўларди, лекин мутахассисларнинг фикрини олиб, бир қарорга келишнинг фойдаси катта.

— Сезаяпсизми, марказимизга ташриф буюрувчиларга тезкор ва замонавий хизматлар зарур, — дейди Саида Жалилова. — Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича мутлақо янги тизимни ҳаётга татбиқ этдик. Унга кўра, тегишли ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан бошлаб, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараённи амалга ошириш, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколати берилган. Масалан, тадбиркорлик субъектидан газ тармоғига уланиш бўйича тушган ариза шу заҳотиёқ электрон тизим орқали ҳудудий газ тармоғи идорасига жўнатилади. Сўнгра меъёрий ҳужжатларга асосан, беш кун ичида жавоб олиниб, тадбиркорлик субъектига тақдим қилинади.

— Тадбиркорлар бизга объектни қайта ихтисослаштириш ҳамда реконструкциялаш, қурилиш-монтаж ишларига рухсат олиш, кадастр масалалари бўйича мурожаат этишади, — дейди Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "ягона дарча" маркази бош мутахассиси Мафтуна Муҳитдинова. — Аризаларни ярим соат ичида расмийлаштириб, мутасадди идораларга юборамиз. Жавобни эса уч — беш кунда олиш мумкин. Табиийки, қулай, тезкор, айни чоғда шаффоф ва самарали хизматдан ҳар қандай киши мамнун бўлади. Яратилган бундай имконият, шарт-шароитларни аввалги даврдаги ҳолатлар билан қиёслаганда, ўзгаришлар моҳияти кўзга янада яққолроқ ташланади.

— Ишбилармонларимиз илгари янги қурилиш қилмоқчи ёки шу билан боғлиқ юридик субъектни очмоқчи бўлса, турли идораларга боришга мажбур бўлишарди, — дейди тадбиркор Баҳодир Раҳматуллаев. — "Ягона дарча" марказлари иш бошлаганидан буён эса бу масалаларга қисқа муддатда ечим топилаяпти. Айтайлик, кичик бизнес субъектини ташкил этиш учун бир кун, архитектура йўналишидаги рухсат берувчи ҳужжатларни олишга эса узоғи билан беш кун кифоя.

"Ягона дарча" марказларида яратилган яна бир қулайлик шуки, бу ерда кўрсатиладиган хизматлар фақат давлат божидан иборат бўлиб, фаолият турига қараб, у энг кам ойлик иш ҳақининг ярми ёки бир бараварини ташкил қилади. Қолган барча маълумот ҳамда маслаҳатлар — бепул.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган Фармони ижроси таъминланиши натижасида он-лайн тизими жорий этилгани тадбиркорлик субъектларини 30 дақиқа мобайнида давлат рўйхатидан ўтказиш имкониятини яратди. Бунинг учун шахснинг давлат идорасига келиши ёки банкка бож тўлови учун қатнаши шарт эмас. Эътиборлиси, айни шу тизим шарофати туфайли 2014 йилдагига нисбатан юридик шахслар томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар сони еттитадан иккитага, хусусий шахсларники беш маротаба камайди.

Бироқ мурожаатлар сони тобора ортиши, яъни ўсиш суръатлари давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари ва тартибларининг ўз вақтида бажарилишига таъсир кўрсатмаслиги зарур. Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ, мазкур жараённинг изчил мониторингини йўлга қўйиш, қонунбузилишининг олдини олиш учун таъсир чораларини кўриш республика Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар самараси халқаро миқёсда ҳам эътирофини топаётганининг боиси ана шунда. Жумладан, Жаҳон банкининг "Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" деб аталадиган мезони бўйича Ўзбекистон аввалги йилдагига нисбатан 22 поғона кўтарилиб, дунёда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни эгаллаб турган бўлса, мазкур халқаро иқтисодий идоранинг маърузасида эса, юртимиз кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган жаҳондаги ўнта давлат қаторидан жой олгани эътироф этилди.

Бундай юқори баҳоларга изоҳ беришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки, ҳар бир соҳага доир рақамлар холис таҳлиллар хулосасига асосланади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Ўтган муддат, чин маънода, мамлакатимиз ҳаётида туб бурилишлар, янгиланишлар даври бўлди. Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида нафақат иқтисодиётнинг барча соҳасида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди, балки юртдошларимизнинг онгу тафаккури юксалиб, ҳаётга ва меҳнатга муносабати бутунлай ўзгарди.

Хусусан, бутун дунёда ўз эътирофини топган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида молия муассасаларини ислоҳ қилиш ҳамда янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли қисқа муддатда Ўзбекистонда мустақил банк тизими яратилди. Акциядорлик тижорат Халқ банкининг ўз фаолияти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, замонавий банк хизматларини кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Халқ банки:

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ВА ҲАМҚАДАМ

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида банк тизими ниҳоятда қолоқ аҳволда бўлгани учун ҳеч бир халқаро ташкилот томонидан бирор марта ҳам эътироф этилмаган эди. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда соҳада тизимли ислоҳотлар рўёбга чиқарилиши, бу жараёнда тегишли Фармон ва қарорлар ҳаётга изчил татбиқ қилиниши самараси ўлароқ, юртимиз банклари қаторида Халқ банки ҳам “Стандарт энд Пурс” етакчи халқаро рейтинг агентлигининг ижобий баҳоларига мунтазам равишда сазовор бўлмоқда.

Шу билан бирга, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Bank Expo” банк фаолияти технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмасида ушбу молиявий муассаса муносиб иштирок этиб келаётир.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан республикамиз банк тизимида, шу жумладан, Халқ банкида қатор янги хизмат турлари жорий этилдики, қуйида бу ҳақда ҳикоя қиламиз.

### Янги тўлов тизими барча ҳудудни қамраб олмоқда

Кўпгина чекка қишлоқларда яшовчи фуқароларимиз илгари коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун туман марказларига борганликлари ҳаммамизга маълум. Халқ банки уларнинг манфаатларини кўзда тутган ҳолда, нафақат шаҳар ҳамда туманларда, балки олис қишлоқ жойларда, маҳаллаларда филиаллар, махсус кассалар, жамғарма ва сайёр кассалар ташкил этиб, замонавий технологиялар ёрдамида аҳолига илғор банк хизматларини кўрсатишга интилиб келмоқда. Чунончи, банк ходимлари махсус планшет, термопринтер ҳамда терминаллар билан ўша ҳудудларга бориб, турли тўловларни қабул қилиб олмоқда. Бундан ташқари, ушбу замонавий ускуналар интернетга улангани боис, аҳолига онлайн тизимида хизмат кўрсатилади.




Айниқса, дам олиш кунларида ҳам банк ходимлари бундай юмушни бажараётгани фуқароларимизга манзур бўлмоқда.

### «Интернет банкинг» ва «Мобиль банкинг» афзалликлари

Халқ банки томонидан кейинги йилларда “Интернет банкинг” ҳамда “Мобиль банкинг” тизимларини жорий қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Пировардида мазкур хизматлар молия муассасаси фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, мижоз учун ҳам қўшимча қулайликлар яратаяпти.

Гап шундаки, мижоз ўз ҳисобварағи бўйича амалларни банкка бормасдан, хоҳлаган жойда туриб, истаган вақтда интернет орқали бажариши, яъни ҳисобварағининг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс этишига доир маълумотларни олиши мумкин. Бу унинг вақтини тежаши, манзилнинг узоқ-яқинлигига қарамасдан, маблағини тезкор бошқариши учун афзалликлар эмасми?!




Эътиборлиси, сиз ҳақингиздаги ҳар қандай маълумот сир сақланиши қонун билан белгиланган бўлиб, унга амал қилиш уларни мутасаддилар имзоси билан тасдиқлатишига тўғри келарди. Бугун эса бу борада тезкор, ишончли ва кам вақт олувчи тизим ишлаб турибди.

“Бармоқ изи” ана шундай технология бўлиб, у мижозларни барча мушкулдан озод қилади, десак, муболаға бўлмайди. Айтайлик, сиз банкка омонат топширмоқчисиз. Бунинг учун, аввало, шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат орқали омонатингиз банкка расмийлаштирилади, сўнгра “Бармоқ изи” ёрдамида бармоқ изларингиз олинади. Шундан кейин хоҳлаган вақтингизда, ҳатто шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатларингиз ёнингизда бўлмаган тақдирда ҳам, омонатларингизни қўйиш ёки олиш имкониятига эга бўласиз. Мазкур Халқ банки томонидан кафолатланади.

### Хавфсизлик ва ишонч гарови

Халқ банки тизимида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу молия бозорида рақобатдошлик даражасини барқарорлаштириш, хизмат кўрсатиш хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Биласиз, авваллари банкка ўз омонатини топширмоқчи ёки олмоқчи бўлган мижознинг бир қанча ҳужжатларни йиғиши, хизмат, бор-йўғи, бир дақиқа вақтингизни олади.

Ушбу лойиҳа Халқ банкининг Олмазор ҳамда Юнусобод филиалларида тест синовларидан муваффақиятли ўтганидан сўнг жорий йилнинг июль ойидан бошлаб унинг ҳамма филиалида тўлиқ татбиқ этила бошлади.

### «Электрон омонат» дафтарчалари

Халқ банкида “Электрон омонат” дафтарчалари жорий қилиниши туфайли мижозлар яна бир қанча афзалликларга эга бўлишди. Жумладан, у мижознинг ПИН-коди (шахсий идентификация рақами) билан ҳимояланади. “Электрон омонат”дан, шунингдек, пластик карталарни ишлатиш кўникмасига эга бўлган мижозлар (ташкилотларнинг ишчилари, талабалар ва бошқалар) ҳам фойдаланишлари мумкин.

У омонат ҳисобварағи бўйича маълумотларни кўриш учун “калит” вазифасини ўтайди, банкомат ҳамда инфокиосклар орқали фақат омонат бўйича маълумотларни кузатиш имконини беради. Бунда мижознинг омонат ҳисобварағидан банк амалиётларини бажариш бевосита мижоз томонидан банкда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва “Электрон омонат” дафтарчасини тақдим этган ҳолда амалга оширилади.

Айтиш жоизки, дафтарчага пластик карта қўшиб бериш тартиби ҳам мижозларга бирмунча қулайликлар туғдирмоқда. Яъни мижоз пластик карта орқали омонат ҳисобварағидаги операциялар тўғрисидаги маълумотлардан барча инфокиоск ҳамда банкоматлардан фойдаланган ҳолда бохабар бўлиш имкониятига эга.

Замонавий хизмат турлари кўламини янада кенгайтириш ва ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор технологиялардан фойдаланиб, мижозларга зарур қулайликлар яратиш Халқ банкининг истиқболли вазифаларидан биридир.

### «SMS-хабарнома» хизмати

Бу мижознинг мобиль алоқа воситаларига реал вақт режимида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тўғрисида ҳамда банк ва мижоз ўртасидаги келишувга кўра, бошқа турдаги SMS-хабарларни жўнатиш имконини берувчи техник-дастурий тизим ҳисобланади.

“SMS-хабарнома” хизмат тури Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ҳамда қонуности ҳужжатларида кўзда тутилган банк фаолиятига доир талабларга мос равишда маълумотларни рухсат берилмаган тарзда тарқалишидан ҳимоя қилади.

Хабарлар мижозга мобиль алоқа оператори орқали тўғридан-тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида етказиб борилади.

Қисқача айтганда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган бир пайтда аҳолининг тезкор ахборот ҳамда турли интерактив хизматлардан фойдаланиш эҳтиёжи ҳам ортмоқда. Акциядорлик тижорат Халқ банки ходимлари буни ҳисобга олган ҳолда, фаолият кўламини кенгайтириш, хизматлар сифатини янада яхшилаш пайидан бўлишмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

**Абдужалол МАДИЕВ, Қибрай туманидаги “Яшнобод” маҳалласида истиқомат қилувчи мижоз:**

— Халқ банкининг туманимиздаги филиалида мижозлар учун яратилган қулайликлардан жуда хурсандмиз. Куни кеча, қаранг, янги жорий этилган планшет мосламаси орқали газ ва совуқ сув учун пул тўладим. Авваллари тўловларимиз белгиланган ҳисоб рақамига тушиши учун муайян вақт талаб қилинар эди. Янги хизмат орқали эса барча турдаги тўловлар бир зумда амалга оширилар, ҳатто кичик принтер ёрдамида тегишли чекни ҳам олса бўлар экан.

**Раъно АШУРОВА, Қибрай туманилик мижоз:**

— Мен илгари барча тўловни Халқ банкининг филиалларига бориб тўлаб келардим. Бугунги кунда ушбу муассаса “Банк мижоз учун” деган тамойилга асосланган ҳолда, мижозлар учун замонавий тўлов тизимларини жорий этаётгани қувонарлидир. Мисол учун, банк ходими сумкачасидан планшет, термопринтер ҳамда терминални олиб, бизнинг барча тўловимизни бир зумда қабул қилиб олди. Узоғимиз яқин бўлгани шу эмасми?!

**Зулфинисо НИЁЗМЕТОВА, Олмазор туманида яшовчи мижоз:**

— Кўп йиллардан буён Халқ банкининг туманимиздаги филиалига маблағларимни омонатга қўйиб келаман ва унда ҳисобланган ойлик фоизларни белгиланган вақтда оламан. Бу ерда омонатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида “Бармоқ изи” дастури ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Ишонасизми, мен биринчи марта бармоқ изларим ёрдамида банкка омонат қўйдим. Бу жуда кам вақт талаб этадиган ва ишончли тизим экан. Барака топсин банк ходимлари!

**Зайнаб АКБАРОВА, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи мижоз:**

— Халқ банкида “Бармоқ изи” дастури ҳаётга татбиқ қилинганини эшитиб, унинг илк фойдаланувчиларидан бири бўлгим келди. Бу дастурнинг менга маъқул келган жиҳати шуки, ҳар қандай мижоз ортиқча қоғозбозликларсиз, қисқа вақтда омонатини қўйиши ҳамда олиши мумкин. Бу ҳақда яқинларим ва танишларимга айтганимда, кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди: бизбоп экан! Халқ банкида мана шундай замонавий хизматлар янада кўпроқ бўлишини истаймиз.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ҳамда интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари, шунингдек, фотожурналистлари учун **«Жамият ва мен»** танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

### Танлов йўналишлари:

— ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
— спорт мавзуида ёритилган энг яхши материал;
— ижтимоий шериклик мавзуида ёритилган энг яхши материал;
— жамоатчилик назорати мавзуида ёритилган энг яхши материал.

### Махсус номинациялар:

— «Ўз даврининг қаҳрамони» мавзуида энг яхши мақола;
— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

### Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ҳамда қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- мавзуни ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар 100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хонада қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: (0-371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ҳамда ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

# Истиқболли лойиҳа самараси

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги “O‘zMinda” корхонасида автомобиллар учун 24 турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

## ИНТИЛИШ

Яқинда бу ерда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилгач, “GM Uzbekistan” маҳсулотлари учун янги авлод спидометрлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У нафақат транспорт воситалари тезлигини, балки ёнилғи сарфи, ташқаридаги ҳаво ҳароратини аниқлаш ҳамда шиналардаги босим мувозанатини мониторинг қилиш имконини беради. Бинобарин, корхона жамоаси томонидан мамлакатимизда илк бор азот гази ёрдамида пластмасса қуйиш технологияси ўзлаштирилди. Натижада шу ернинг ўзида янги моделлар учун эшик тутқичлари ишлаб чиқаришга киришилди.

— Ҳозир турли спорт жиҳозлари ҳам тайёрлаяпмиз, — дейди қўшма корхона бош директори Жасурбек Шаропов. — Шахмат беллашувларида фойдаланиладиган электрон соат, секундомер ҳамда спортчилар вазнини ўлчовчи электрон тарозилар шулар жумласидан.

Айтиш жоизки, ўтган йили “O‘zMinda” ёрлиғи остида 19 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 227 минг АҚШ долларилик қисми чет эллик буюртмачиларга етказиб берилган бўлса, жорий йилда экспорт кўрсаткичини 350 минг долларга етказиш режалаштирилган.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:
• савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
• бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
• ресторанлар, кафе, барлар;
• фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ҳамда бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чек принтерлари, савдо тарозилари.
Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Кичик Бешёғоч к., 86 (шаҳар ДЙҲХБнинг собиқ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: (+99871) 281-43-65.
www.micros.uz; e-mail: scales@micros.uz, micros@micros.uz
102R/525

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2016 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан 2016 йил 26 майдаги 2625-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани, А. Дўстбеков ф/к, 1-бўлимда жойлашган, умумий ер майдони 1315,59 кв. м., қурилиш ости майдони 303,27 кв. м., фойдаланиш майдони 355,71 кв. м.дан иборат бўлган 16-сон дўкон ва тегирмон биноси.

***Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан 2015 йил 9 ноябрдаги 24849-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оққўрғон тумани, Яралихўжаев кўчасида жойлашган, умумий майдони 450,3 кв. м.дан иборат бўлган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 166 869 960 сўм.***

**Шунингдек, 2016 йил 29 июль куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда:**

Тошкент вилояти Бекобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 23 июндаги 5880/81/82/8384/85/86-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Бобур ф/к, Тақачи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 264,87 кв. м.дан иборат бўлган клуб биноси.

***Бошланғич баҳоси — 47 684 700 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38, ички 258.**

1024A/366

Хизматлар лицензияланган.

Архив:

# Ҳужжатларда акс этган ҳаёт



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар, албатта, давлат архивларида ёки қонунчиликда ўзида сақлаш ҳуқуқи берилган муассасаларда сақланиши мумкин. Иккинчи гуруҳи эса доимий сақланиши лозим бўлган, нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари, шунингдек, жисмоний шахслар архив ҳужжатларидан иборат. Улар нодавлат архивларда сақланиши мумкин.

Архивлар ҳар йили фонд ташкил этувчи ташкилотларнинг, яъни жамлаш манбаларининг рўйхатини тузиб боради. Унга давлат органлари билан бирга, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам киритилади. Бироқ фаолият кўрсатаётган барча жамоат ташкилотлари, корхона ҳамда муассасалар ҳужжатларини давлат сақловига олишнинг имкони йўқ. Шу боис давлат архивларининг жамлаш манбалари рўйхатига киритилмаган ташкилотларнинг ҳужжатларини сақлаш учун нодавлат архивлари ташкил этилмоқда. Улар зиммасига мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим аҳамиятга эга ҳужжатлар сақловини таъминлаш бўйича қатор масъулиятли вазифалар юкланган.

Ўз навбатида, сақлов сифатини таъминлаш ва уларнинг тўлиқ жамланишига эришиш мақсадида соҳа тизими кенгайтирилди. Хусусан, истиқлолгача мамлакатимизда 72 давлат архиви фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 103 тага етди. Бу борада 2010 йил 15 июнда қабул қилинган "Архив иши тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Яратилган қонунчилик тизими архивларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, электрон архив фондларини яратиш, ҳужжатларни қайта тиклаш ва рақамлаштиришнинг замонавий ускуналари билан жиҳозлашда янги истиқболларни очмоқда.

Бугунги кунга қадар республикамизнинг барча ҳудудида 22 та янги давлат архиви бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилгани фикримизнинг яққол далилидир. Бундан ташқари, 5 та давлат архиви биноси тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Энг муҳими, улар замонавийлиги, илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши даражасига кўра ажралиб туради. Амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётган шу каби саъй-ҳаракатлар туфайли давлат архивларининг сиғимдорлиги 2,5 миллион сақлов бирлигига ортди.

2008 йилдан бошлаб барча давлат архивида ҳужжатларнинг "умри"ни узайтириш мақсадида алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишларига киришилди. Ҳозирги пайтга қадар 417 минг сақлов бирлигидан ортиқ, шу жумладан, 3,6 миллион қоғоз асосдаги, 205 минг фото, 1600 кино, 2400 фоно архив ҳужжатларининг электрон нусхалари яратилиб, жами давлат архивларида сақланаётган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 35 фоизи электрон форматга ўтказилди.

Бугунги кунда ахборот олишга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораяпти. Мазкур жараён архивлар фаолиятини ривожлантиришда янгича ёндашувни талаб этмоқда. Шу боис мавжуд миллий архив муассасалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланишига катта эътибор қаратилаяпти. Бу эса иш самарадорлигини оширибгина қолмай, ҳужжатларни сифатли ҳамда узоқ муддат сақлаш имкониятини бермоқда. Шу билан бирга, аҳолининг архив ҳужжатларидан фойдаланишига кенг шароит яратиш мақсадида www.archive.uz сайти мунтазам фаолият юритаётир. Ушбу сайтда "Хизматлар" ва "Интерактив хизматлар" туркумларида фуқароларга архив муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид кенг кўламли маълумотлар ҳавола қилинган ҳамда аҳолига он-лайн-қабулхона ва ишонч почтасига мурожаат этиш шароитлари яратилган. Фуқароларга Ягона давлат интерактив хизматлари портали орқали ҳам яқиндан кўмак берилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар ҳамда Сирдарё, Андижон, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари давлат архивларида жорий этилган замонавий ахборот (сенсорли) киоскларининг электрон базалари янада кенгайтирилиб, 50 минг 753 та корхона, ташкилот ва муассасанинг давлат архивларида сақланаётган шахсий таркиб ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилди.

Бу каби қулайликлар туфайли ҳужжатлардан фойдаланувчилар ҳамда қизиқувчиларнинг сони тобора ортмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 31 минг 400 дан ортиқ ҳужжат мурожаат қилувчилар томонидан кўриб чиқилган. Фуқароларнинг 190 мингдан зиёд ижтимоий-ҳуқуқий сўровларига жавоб қайтарилган.

Кейинги йилларда архив иши бўйича халқаро ва нуфузли ташкилотлар билан ўзаро алоқалар, шунингдек, ҳамкорлик йўлга қўйилди. Польша, Италия, Греция ҳамда Россия билан соҳага доир ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Республикамизда 28 та касб-ҳунар коллежи, 4 та университетда архив иши ва иш юритиш йўналишида малакали кадрлар тайёрланмоқда. Архив идоралари таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Ёш мутахассисларнинг архивларда амалиёт ўташи, битирув малакавий ишини ҳимоя қилишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

2009 йилининг май ойидан бошлаб "Ўзархив" агентлиги Халқаро архивлар кенгашининг "А" гуруҳи (Миллий архив хизматлари) бўйича, ана шу йилнинг ноябрь ойида эса, мазкур кенгашнинг Евро-Осиё ҳудудий бўлимига аъзоликка қабул қилинди. Эндиликда нафақат архив иши бўйича жаҳон тажрибаларини кенг ўрганиш, балки соҳага оид инновацияларни хорижий мутахассислар билан атрофлича муҳокама қилиш имкониятлари вужудга келди. Архив мутахассислари Греция, Франция, Польша, Корея Республикаси, Малайзия сингари давлатларда тажриба алмашиб қайтдилар.

Дарҳақиқат, архивлар — буюк тарихимиз кўзгуси. Уларда халқимиз босиб ўтган ўтмиш, бугунги дориламон кунларимиздан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар жамулжам. Демак, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш соҳа мутахассисларининг муҳим вазифасидир.

**Абдушукур АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзархив» агентлиги**
**Бош директори.**



Бугунги кунда мамлакатимиз Миллий архив фонди ҳужжатлари

**8 600 000**

сақлов бирлигини ташкил этмоқда

## ЭЪТИРОФ

**М. ЛАРИН,**
**Архив иши ва иш юритиш бўйича Бутунроссия илмий-тадқиқот институти директори, тарих фанлари доктори, профессор:**

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳада улкан ютуқ ва марралар қўлга киритилмоқда. Жумладан, архив соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, Марказий давлат архивлари қадимий ҳамда мамлакатингиз истиқлол йилларидаги ҳужжатларга бойлиги билан ажралиб туради. Уларнинг энг замонавий техника ҳамда технологиялар асосида сақланиши, улардан фуқаролар эмин-эркин фойдаланишини алоҳида таъкидлашни истардим. Ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистондаги архив соҳасида орттирилган бой тажрибадан дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳам ўрнак олса арзийди.



# Таълим ва тарбия уйғунлиги

## баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Болаларни тарбиялаш, уларда илк билим ва кўникмаларни шакллантиришда мактабгача таълим масканлари алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 4916 та ана шундай масканда 668497 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Ушбу масканларда фаолият кўрсатаётган 55463 нафар тарбиячи-педагог фарзандларимизнинг мурғак қалбида Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш, дунёқарашини бойитиш йўлида меҳнат қилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловда бу йил чекка ҳудудлардаги таълим даргоҳларида ўқув-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга оид "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилди.

Қатнашчилар илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, уни амалий машғулотларда қўллай олиш, таълим-тарбия жараёнига болаларнинг руҳияти, ёш хусусияти, тафаккури, дунёқараши каби жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ёндашиш каби мезонлар бўйича ўз билим ҳамда маҳоратини намойиш этишди. Айни пайтда педагогларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, маънавий-интеллектуал савияси, замонавий ахборот технологиялари бўйича саводхонлиги ҳам баҳоланди.

Якунда Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳридаги 28-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гуласал Зайнобиддинова ғолиб, деб топилди. Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳридаги 60-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мунаввар Қобилова иккинчи, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 259-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Муниса Олимова учинчи ўринни эгаллади.

— Болалар — келажагимиз, ҳаётимиз давомчилари, — дейди Гуласал Зайнобиддинова. — Уларнинг баркамол вояга етишишларида биз, тарбиячилардан катта масъулият талаб этилади. Бу каби танлов ва мусобақалар эса билим ҳамда тажрибамизни оширишда муҳим ўрин тутади. Танловда қатнашиб, маҳорат ва истеъдодимизни тўртта шарт бўйича синовдан ўтказдик. Тест синови, ўзимиз ясаган дидактик материаллар тақдимоти, "Бугунги тарбиячи қандай бўлиши керак?" мавзуидаги чиқишимиз ҳамда эртак, ҳикоя ва масаллардан парчалар ижро этилиши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. "Йил тарбиячиси" деган эътирофга сазовор бўлганимдан беҳад мамнунман. Билдирилган ишончни оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қиламан.

Ғолиб ҳамда совриндорларга Халқ таълими вазирлигининг диплом ва совғалари топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## «Best realtor» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Сергели филиалининг 2016 йил 30 июндаги 835-сонли буюртманомасига асосан хатланган, Акциядорлик тижорат Халқ банки Сергели филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ-5 мавзеси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 25 кв. м. бўлган, 5 қаватли бинонинг 1-қавати қисми (372-сонли касса) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 50 890 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 15 август куни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртмалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилиш ва закалат пули киритилишининг охирги муддати — 2016 йил 12 август куни соат 18.00.

Юқорида кўрсатилган мулк 2016 йилнинг 15 август куни сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 30 август ва 14, 30 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар учун буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 30 августдаги савдо учун 2016 йил 26 август куни соат 18.00; 2016 йил 14 сентябрдаги савдо учун 2016 йил 12 сентябрь куни соат 18.00; 2016 йил 30 сентябрдаги савдо учун 2016 йил 28 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан АТ Халқ банки Сергели филиали вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:
— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода иштирок этиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси юзасидан батафсил маълумотни (0-595) 144-66-55 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк сотилиш баҳосининг тўлов муддатлари ҳамда бошқа шартлар сотувчи ва харидор ўртасида олди-сотди шартномасини тузиш вақтида белгиланади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Best realtor» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО: 01036, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел./факс: (0-595) 144-66-55.**
**www.emulk.uz Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz**

1035R/421



Qishloq Qurilish Bank

## АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

**банк фаолияти юзасидан реклама роликларини намойиш этиш учун телевизор ва кронштейнларни сотиб олиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади.**

*Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 7 кун мобайнида қабул қилинади.*

Хизматлар лицензияланган.

**Батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Телефон: (0-371) 150-76-85.**

1039A/35






Экскаваторы колесные и гусеничные
Экскаваторы-погрузчики
Фронтальные погрузчики
Мини-погрузчики

GST OIL
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62,
(+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

Узбекистан,
100050, г. Ташкент,
ул. Иссиксув, 118,
gsthyundai@gmail.com

Товар сертифицирован

366R/55


Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Осиё-Тинч океани минтақаси ва Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси доценти Чори Ҳусановга отаси

**Қодир ҲУСАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Дилдора Сатторовага онаси

**Норой САТТОРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6